

*ChEII "BEKTEMIR SPIRT  
EKSPERIMENTAL ZAVODI" AJ нинг  
2015 йил 19 июндаги акциядорларнинг  
умумий йиғилиши қарори билан  
тасдиқланган*



*ChEII "BEKTEMIR SPIRT  
EKSPERIMENTAL ZAVODI" AJ  
Кузатув кенгаши, тафтии комиссияси ва  
бошқарув органи аъзолари меҳнатини  
тақдирлаш ва разбатлантириши  
тўғрисидаги  
НИЗОМ*

Тошкент ш.

## **I. Умумий қоидалар**

1.1. Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамияти ва акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг 2003 йил 16 июндаги 01/06-5 сонли услугий қўлланмаси ҳамда “Ўзспиртсаноат” акциядорлик компанияси ва ChEП “ВЕКТЕМИР SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI” AJ уставларига мувофик ишлаб чиқилди ва жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари ва тафтиш комиссияси раисини меҳнатини тақдирлаш ва рағбатлантиришни тартибга солади..

1.2. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, жамият ижриоя органи аъзоларини ойлик тақдирлаш ҳамда чораклик ва йиллик иш якунлари бўйича рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини қуришнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Тақдирлаш ва рағбатлантириш микдори бевосита жамиятнинг бошқаришдаги уларнинг қўшган хиссасига боғлиkdir.

1.3. Корпоратив бошқарув аъзоларини тақдирлашнинг асосий мақсади-уларнинг масъулиятини ошириш, жамиятнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, акциядорларнинг умумий йифилишида тасдиқланган бизнес-режанинг бажарилишини таъминлаш, корхона томонидан олинаётган соф фойдани қўпайтириш, улар фаолиятидан реал самарага эришиш, зиммасига олинаётган масъулиятини оширишdir.

## **II. Тақдирлаш ва рағбатлантиришга бўлган хукуқ**

2.1. Иш натижалари бўйича тақдирлаш ва рағбатлантириш жамият Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари, тафтиш комиссияси раиси, бошқарув раиси ва аъзоларига берилади.

2.2. Юқорида тақдирлаш ва рағбатлантириш хукуқига эга бўлган шахсларни тақдирлаш Акциядорлар умумий йифилиши ёки Кузатув кенгаши қарорлари асосида уларнинг ваколатлари бекор қилингунига қадар амалга оширилади.

2.3. Агар тақдирланиш хукуқига эга ходим йиллик иш даври давомида тўлиқ ишламаган тақдирда, рағбатлантириш микдори ишлаган давридан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

## **III. Тақдирлаш ва рағбатлантириш миқдорини аниқлашда хисобга олинадиган тамойиллар**

3.1. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси раиси ва бошқарув органи раиси ва аъзоларини тақдирлаш учун асосий тамойиллар кўйидагилардан иборат:

- акциядорларнинг умумий йифилишида тасдиқланган бизнес – режа кўрсаткичларининг бажарилиши;

- акциядорлар моддий манфаатларига тўлиқ риоя қилиниши, дивидент тўловларининг ўз вактида тўлаб борилиши, акциядорларнинг манфаатини кўзлаб амалга оширилган ишлар, жамиятнинг соф фойдасининг бизнес режага асосан бажарилиши ва ортиқча бажарилишини таъминлаганлиги учун.

- жамият бизнес-режа доирасида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини таъмин этганлиги ҳамда сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатларини иқтисод қилишга эришилганлиги бўйича.

- кузатув кенгаши фаолиятининг йўналишларидан бири жамият инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва капиталлашув даражасини ўстириш бўйича ишларининг самарадорлиги юзасидан.

- жамиятда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишчи-хизматчилар сонини оптималлаштириш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва корхона ишчи-хизматчиларига кўрсатилатган хизматларни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича;

- кузатув кенгashi аъзолари учун – йил давомида мажлислардан ташқари вақтда кўриб чиқиладиган масалаларни мустакил ўрганиб чиқишлиари, улар бўйича қабул қилинган қарорлар, ушбу қарорларнинг жамият учун фойа келтириши, акциядор манфаатларининг вакили сифатида жамият активларининг асралишига ва ўсиб боришига эришишининг натижалари бўйича.

#### **IV. Тақдирлаш ва рағбатлантириш хажми ва тўлов манбаалари**

4.1. Кузатув кенгashi раиси, аъзолари, тафтиш комиссияси раиси, жамият ижроия органи бошқаруви раиси ва аъзоларини тақдирлаш:

- кузатув кенгashi раиси учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг – 50 (эллик) баробари миқдорида;

- кузатув кенгashi аъзолари учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг – 13 (үн уч) баробари миқдорида;

- тафтиш комиссияси раисига энг ҳар ойда кам иш ҳақининг – 15 (үн беш) баробари миқдорида;

- Бошқарув органи аъзоларининг ойлик маошлари улар билан тузиладиган бир йиллик меҳнат шартномасида белгиланади ва амалга оширилади.

4.2. Кузатув кенгashi аъзолари ва жамият бошқарув органи аъзоларига прогноз кўрсатикичларининг тўлиқ бажарилишини таъминланганлари учун чораклик рағбатлантириш миқдори, ўтган чорак давомида олинган тақдирлаш миқдорининг 50-75 фоизигача тўланади ва акциядорларнинг умумий йигилиши ёки кузатув кенгashi қарорига асосан амалга оширилади.

4.3. Кузатув кёнгashi раиси ва аъзолари, тафтиш комиссияси раиси, жамият бошқарув органи аъзоларини молиявий-хўжалик йил якуни бўйича рағбатлантириш акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига асосан амалга оширилади.

#### **V. Тақдирлаш ва рағбатлантириш тўлаш тартиби**

5.1. Жамият Кузатув кенгashi ва ижроия органи аъзоларига чораклик ва йил якуни бўйича рағбатлантириш чорак ва йил якуни бўйича барча ҳисоботлар ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

5.2. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларига ойлик тақдирлаш ҳар ой якуни бўйича олиб борилади.

5.3. Рағбатлантириш учун бериладиган маблағлардан қонунда белгиланган тартибда даромад солиги ундирилади.